



2-бепт



4-5 бептлар

6-бепт

8-бепт

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 242 (10.045)

2003 ЙИЛ 18 ДЕКАБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Сўз кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСКА

● **«ЭКОСАН»** Халқаро жамғармасида ушатирилган «Илм-фан — барқарор ривожланиш йўлида» деб номланган илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланди.

● **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган анжуманда халқ таълимини ривожлантиришнинг янги усулларидан фойдаланиш зарурлиги ҳусусида сўз борди.

● **ИБН** Сино номидаги халқаро жамғарманинг Швейцариянинг дори-дармон ишлаб чиқарувчи компанияси билан ҳамкорлиги натижасида мазкур юртдан пойтахтга қўйиб олинадиган дори-дармон воситалари келтирилади. Улар шахримиздаги меҳрибонлик уйларида тарқатилади.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида жаҳон халқлари маданияти кунлари доирасида Япония маданияти, санъати ва тарихини тарбия қилувчи тадбир ўтказилди.

● **«ТУРКИСТОН»** саройида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида бўлиб ўтган концерт дастури «Сен етим эмассан» болалар жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** олий умумқўмондонлик харбий билим юртида яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ташкилланган тадбирда мазкур билим юртининг ўқитувчилари, курсантлари ҳамда маҳаллалар оқсқоллари иштирок этишди.

● **ШАХРИМИЗДА** мактаблар ўқувчилари иштирокида «Истиқлол юрти фарзандлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **КАМОЛ**Т Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Акмал Икромов туман бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида ташкил этилган фестиваль «Ўзбекистонлик ёшлар — ОИТС ва гивандликка қарши» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти ректори Нейматилла Иброҳимов Миср араб республикаси тиллар академиясининг аъзоси этиб сайланди. Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтган тадбир ана шу воқеага бағишланди.

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ТАРИХ СИНОВИДАН ЎТГАН МУНОСАБАТЛАР

Туркия — Европа ва Осиёни, Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи мамлакат, кўплаб давлатлар ва цивилизациялар алмашувини ўз бошидан кечирган заминдир. Қадимги Юнонистон, Рим, Византия ва усмоний давлатияти осори атиқалари ва обидалари унинг бой тарихидан далолат беради.

1923 йилда Туркияда узок миллий - озодлик курашидан сўнг республика эълон қилинди. Бу ишда Отатурк исми билан машҳур миллий қаҳрамон - Мустафо Камал катта роль ўйнади. Унинг ўзи республиканинг биринчи президенти бўлди. Жорий йилнинг 29 октябрда Туркия халқи республиканинг 80 йиллигини кенг нишонлади.

Сўнгги йилларда Туркия раҳбарияти ташқи сиёсат фаолиятини изчиллик билан олиб бормоқда. АҚШ билан стратегик муносабатларга, шак-шубҳасиз, муҳим аҳамият берилмоқда. Айни пайтда ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари Европа ва Осиёга қаратилган. Биринчи ҳолатда бу, авваломбор, мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириш нияти билан боғлиқдир. Мазкур ташкилотга кириш мақсадида Туркия парламенти мамлакатда реал шарт-шароитларни вужудга келтирувчи демократик ислохотларни амалга оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларни расмий маъқуллади. Улар сирасига, ҳусусан, улим ҳукмининг беқор қилиниши, оммавий намоийшлар ўтказишга чеклашларнинг юмшатилиши, озчиликни ташкил этувчи муслулмон бўлмаганлар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, хорижий ташкилотларнинг мамлакатда фаолият юритишга талабларнинг энгилаштирилиши, давлат муассасаларини танқиди учун жазонинг беқор қилиниши, ноқонуний миграцияга қарши қатъий чора-тадбирларнинг кўрилиши ва бошқалар кирради.

Иккинчи ҳолатда бу минтақадаги мамлакатлар билан янада яқинлаштиришга ва ҳозирда айнан Осиё кўлига амалга оширилаётган халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши кенгайроқ амалиётларида фаол иштирок этишга қаратилган сай-ҳаракатлардан келиб чиқилган. Бу эса Туркия ҳукуматидан ўзининг ташқи сиёсатидаги устуворликларни аниқ белгилашни талаб этади.

Албатта, унинг асосий йўналишларидан бири - Марказий Осиё давлатлари билан яқинлаштиришдир. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси алоҳида ўрин ажратилган. Мавриди келганда айтиш жоизки, турк халқи Ўзбекистонни Отаюрт, деб атайдди. Ушбу сўзларда унинг аجدдлари замини деб ҳисоблаган республикамизда муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром туйғулари ифодаланган. Айнан шу жиҳат 1991 йилнинг 16 декабрда Туркиянинг давлатимиз суверенитетини биринчилар қаторида эътироф этишга ва унинг мустақил йўналишини кўллаб - қувватлашга ундаган.

Мамлакатларимизни халқаро ҳамжамиятга интеграциялашув ва демократик тамойилларга асосланган дунёвий жамиятнинг қуришга интилиш боғлаб туради.

Ҳозирги кунда икки давлат муносабатлари шартномавий-ҳуқуқий асосини 70 дан ортиқ ҳужжат ташкил қилади. Улар савдо-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва илмий-маданий ҳамкорлик, ҳуқуқ-тартибот органлари ўзаро муносабатлари, халқаро терроризм ва гивъанд моддалар контрабандасига қарши биргаликда курашиш каби кўллаб сохаларни қамраб олган.

Истанбулда содир этилган ва ўйнаб беғуноҳ кишилар умрига эсим булган террорчилик ҳужжатдан сўнг халқаро терроризмга қарши курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай қабиҳ ҳаракатларни бир неча бор ўз бошидан ўтказган Туркиянинг террорчиликга қарши курашиш тажрибаси Ўзбекистонга ҳам бу соҳада кўли келиши мумкин.

Сўнгги йилларда савдо-иқтисодий муносабатлар сезиларли даражада ривож топмоқда. 2002 йил якулига қўра Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичлари 2001 йилга нисбатан 1,7 фоизга ўсган. Шу йилнинг 9

ойи мобайнида эса бу кўрсаткич 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 41,3 фоизга юқоридир.

Ўзбекистон экспорти таркибини асосан нефть маҳсулотлари, рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, пахта ипидан тўқилган матолар, трикотаж, пахта толаси, калава ип, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилади. Ўз навбатида ер усти транспорт воситаларининг бўлғовчи ва эҳтиёт қисмлари, механик жиҳозлар, оптик асбоб ва ускуналар, электр воситалари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинмоқда. Қайд этиш керакики, ҳар икки томон ҳам етказиб берилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва ҳажмини ошириши имкониятига эга. Сўнгги йилларда икки мамлакат фирма ва компаниялари ўртасидаги савдо-сотик шартнома ва битимларга асосланган янги иқтисодий муносабатлар даражасига кўтарилаётгани ижобий ҳолдир. Илгаридек гуруҳ-гуруҳ бўлиб тижорат ишларига қатнашлар ортда қоляпти. Бунда Ўзбекистон-Туркия ишбилармон кенгаши ва Ҳукуматлараро савдо-иқтисодий комиссиянинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда турк сармоядорлари иштирокида 244 та корхона фаолият юритапти, улардан 53 таси тўғалигича турк капиталли асосида бунёд этилган. Шу ўринда «СамКочнавто», «Пап-Фен», «Шарқ Мир ЛТД», «Бета Алгоритм» кўшма корхоналари, «Дилек Интерпрайвез», «Айлингида санъий компани», «Демир» хорижий компанияларини тилга олиш мумкин. Уларнинг фаолият қўламини тик, озик-овқат ва фармацевтика сановатлари, қурилиш соҳасини қамраб олган. Айни пайтда, Ўзбекистоннинг кўллаб корхоналарида Туркия усканалари муваффақиятли ишляпти.

**Бахтиёр ИРИСОВ,**  
**Садриддин СУЯРОВ,**  
**«Жаҳон» АА шарҳловчилари**

## Ғарплар академиясининг 60 йиллиги олдидан

### ҚАДИМГИ ШОШ ҲАҚИДА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Фанлар академиясида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Қадимги Тошкент» археологик кўргазмаси очилди.

Унда қадимий Шошда олиб борилган илдий ишлар натижалари акс эттирилган. Тошкент воҳасида ибтидоий одам манзилгоҳлари, қоятошлардаги суратлар, қадимий қонлар, шаҳар ва қишлоқлар, турли тарихий даврларга оид мингдан ортиқ археологик обидалар мавжудлиги аниқланган.

Кўргазманинг биринчи бўлими «Тошкент воҳаси тош даврида» деб аталади. Унда Чотқол-Курама тоғларини ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилиши тарихи ўз ифодасини топган. Милоддан аввалги IX-IV асрларга оид бўлимида эса чорвачиликнинг ривожланишига доир топилмалар ўрин олган.

Буюк Ипак йўлининг шимолий йўналишида жойлашган воҳанинг тез сурьатлар билан ривожланишига олиб келган. IX асрнинг бошларида шаҳар Мингўрикдан 8 километр шимолий-ғарбда тикланган ва тарихий манбаларда «Бинкат» номи билан қайд этилган. ХУ-ХУI асрларда Тошкент яна қайта тикланди. Шаҳар истилокчиларга қарши курашда асосий таянч марказига айланган. Бу ерда мажбуда мадрасалар, улуғ алломаларнинг макбаралари ва бошқа иншоотлар қурилган.

**Назозат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

**XXI аср**  
Барча мабаладан  
олинган сўнгги хабарлар

## Мамлакатимизда

● Сурхондарё вилоят ҳокимлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги билан Ҳиндистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим Департаменти ўртасида илмий-техник ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоланди.

● Ёш муסיқачиларнинг «Санъат гунаҳари» республика кўрик-танлови якунланди.

● Қашқадарё вилоятидаги танловда голиб чиққан 6 та мактабнинг компьютерлари «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастурининг ва UsSciNet ташкилотининг мутахассислари томонидан Интернет тармоғига уланди. Дастурда муваффақиятли танловдан ўтган мактаб ўқитувчилари тажриба алмашиш учун бир ҳафта муддатга Америкага борадилар.

● Навоий вилояти тиббиётчиларига «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида Халқаро Таракқиёт ва тикланиш банки маблағи ҳисобига олинган 18 та янги тез тиббий ёрдам машиналари топширилди.

## Жаҳонда

● Пекинда Яқин Шарқ масаласи бўйича Осиё-Тинч океани минтақавий анжумани бошланди. Қатнашчилар Фалштин ҳудудидан ўтаётган «Хавфсизлик девори»нинг қурилиши, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган «Йўл харитаси» режасини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар.

● АҚШ Президентининг махсус вакили Жеймс Бейкернинг маълум қилишича, АҚШ, Германия ва Франция Ироқнинг ташқи қарзларидан кечиш ҳоизлиги тўғрисида келишиб олдидлар.

● Тайпей маъмурлари ўтган бир неча ой ичида илк бор райриодий зотилган касаллиги қайд этилганлигини бадирдилар.

● Ироқда яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Бензин ташувчи машинанинг бомба орқали портлатилиши натижасида камидда 17 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Доғистоннинг Цунтинский тумани қишлоқларида тинч аҳолини асир олиб, яшириниб юрган жангариларни бартараф этишга 500 дан ортиқ харбий жалб этилди.

**Иқтисодиёт**

**ЭНГ МУҲИМИ — СИФАТГА ЭЪТИБОР**

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда шахримизда фаолият юритаётган «Катрис» хусусий фирмасининг ҳам хиссаси салмоқлидир.

Мебелсозлар янги иш бошлаётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун мўлжалланган жиҳозлари, яъни сифатли мебель маҳсулотлари билан бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритмоқда. Уларнинг лицей ва коллежлар учун ишлаб чиқараётган металл каркас мебель маҳсулотлари кулай ва бежиримлиги, мустаҳкамлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, корхонада тиббиёт муассасалари учун ҳамда офис мебеллари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

— Фаолиятимиз давомида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, муҳими эса мебелларимиз сифатини яхшилашга ҳамisha эътибор қаратамиз, — дейди фирма директори Наталья Кидисюк. — Негаки ҳозирда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида ҳам рақобат шаклланиб бормоқда. Харидорларимиз диди юксак, талаби эса юқори. Шу боисдан ҳам ишбилармонлик билан меҳнат қилиш, бозорни ўрганиш ютуқлар гарови бўлиши, шубҳасиз.

Йилни муваффақиятли аяқлаётган хусусий фирма тадбиркорлари, барча буюртмаларни вақтида ва сифатли адо этиб келгусига замин ҳозирламоқда.

**ШАРТНОМА АСОСИДА**

Нафақат сифатли маҳсулот тайёрлаш, балки унга қаролат бериш ҳам харидорнинг ишончини ошириши, шубҳасиз.

Худди шундай, шахримиздаги «TASHKENT-ZENNER» қўшма корхонасида тайёрланаётган сув ўлчаш ускуналарини жамоа мутахассисларининг ўзлари ўрнатиб беришмоқда. Негаки, ўлчангининг ишлаш жараёнида унинг тўғри ёки нотўғри ўрнатилганлиги муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам корхонада ташкил этилган махсус бригадаларнинг малакали пайвандчи ва чилангарлари шахримиз туманларидаги хонадонларга режа асосида сув ўлчагичлар ўрнатишга жорий йилдан киришдилар. Бунинг учун корхона «Сувсоз» трести унитар корхонаси билан шартнома асосида иш юритмоқда.

Энг асосийси корхонада ишлаб чиқарилаётган сув ўлчаш ускуналарининг ўрнатувчилари махсус ўқитилиб, малакалари оширилганидир. Улар хонадон эгаларига ускуналарнинг қандай ишлаши, нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ва зарур бўлганда кимга мурожаат этиш кераклигини ҳам тушунтириб боришади. Хар бир хонадонга ўрнатилаётган сув ўлчагичлар эса қимматбахо неъмат — оби ҳаётни тежашда ниҳоятда муҳим омил саналади.

Шунингдек, қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг бутловчи қисмларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, уларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Жорий йилда 70 минг долларлик ана шундай маҳсулотлар экспорт қилинса, келгусида ушбу рақамни 500 минг долларга етказиш кўзда тутилган.

**Дилноза ФИЁСОВА**



Мазкур корхона ташкил этилганига эндигина 3 йил бўлганлигига қарамай унинг маҳсулотлари ўзининг сифати, асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланиши, чиройли қадоқланиши ҳамда нархларининг нисбатан арзонлиги билан харидорларни мамнун этмоқда.

Ҳозирги салқин кунларда қўшма корхонанинг изланувчан тадбиркорлари ҳамюртларимизга 27 хилдаги музқаймоқли тортларни сотувга чиқармоқда. Улар бири-биридан хушбўй, мазали ҳамда чиройли безалган. Айнан тортларни безаш жараёни малакали ишчилар томонидан кўлда бажарилади ва маҳсулотларнинг харидорбол бўлишида корхонанинг ишчи-хизматчилари қалб кўрлари ҳам қўшилади. Бундай тортлар хар қандай тўй-тантана, юбилей, таваллуд, турли жониворлар, гул, бута, майсалар каби турли-туман шакл-шамойилларининг ёрқин рангларда безаллини хар қандай ёшдаги энг нозиктаъб харидорлар диққатини тортиши, шубҳасиз.

Ушбу корхонанинг буюртмачиси бўлган «Карио» ресторани ўз хўрандаларини музқаймоқли тортларнинг мевали, ёнғоқли, қаймоқли каби кўпплаб турлари билан сийламоқда, уларнинг чиройли, бежирим, турли жониворлар, гул, бута, майсалар каби турли-туман шакл-шамойилларининг ёрқин рангларда безаллини хар қандай ёшдаги энг нозиктаъб харидорлар диққатини тортиши, шубҳасиз.

Ўтган йили «NORTH STAR» корхонаси Миллий банкдан 30 миллион сўмлик кредит олишга муваффақ бўлган. Ушбу маблағ ҳисобидан замонавий

печенье сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосийси, ушбу режалар амалга ошгач, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилиши режаланмоқда. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шариоити талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона тадбиркорларининг изланишлари

музлатгичли машина сотиб олинди. Шу кунгача, кредитнинг 70 фоизи қайтарилди. 2002 йилда корхонада 1 миллион 200 минг донга сифатли музқаймоқлар ишлаб чиқарилди ҳамда янгиликка ҳам қўл урилди. Яъни, янги шоколадли «Super KAY-KAY» музқаймоғи ҳамшаҳарларимизга манзур бўлди. Пойтахтимиздаги энг ҳашаматли «Интерконтинентал», «Шератон-Тошкент» меҳмонхоналари ҳамда «Сам-янг» ресторанлари корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачилари ҳисобланишади.

Кўшма корхонада янги технология линия ҳам ўрнатилган. Унда кўпплаб турдаги сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари ақин орада Хитой давлати билан ҳамкорликда янги лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Унга кўра хитойликларнинг ёрқин замонавий технологияси корхонага келтирилиб ўрнатилади ҳамда унинг ёрдамида минерал сув, пиво,

ри туфайли фирмали дўкон янги йилдан харидорларга янги, қулай хизмат турларини тавсия этиши кўзда тутилмоқда. Бу мижозлардан телефон орқали буюртма олиб, уларнинг талабига кўра маҳсулотни манзилларига етказиб беришни ўз ичига олади.

Кўшма корхона ишчи-хизматчиларининг режалари улкан, вазифалар кўлами кенг. Уларни амалга ошириш учун эса ўзига яраша куч-ғайрат, саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** корхонанинг қандолатчилик цехи моҳир ишчилари Ирина Логув ва Алия Алашбаева тортларни безатиш устида маслахатлашишмоқда; тажрибали механик Даврон Раҳимбоевни иш жараёнида кўриб турибсиз. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

**АҚШ ТАЖРИБАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА**

Тошкентда Ўзбекистон фулбрайтчилар уюшмаси ва АҚШ халқаро таълим кенгаши ҳамкорлигида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилот(ННТ)ларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича маслаҳат марказини барпо этишга қарор қилинди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги маҳаллий шарт-шароит ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда нодавлат-нотижорат ташкилотларни тузиш, уни ривожлантириш борасида фикр юритишди, шунингдек АҚШдаги ННТларнинг жамиятдаги мавқеи масалаларини муҳокама этишди. ННТлар хусусида АҚШ тажрибасидан турли йўнаришларда фойдаланиш тўғрисидаги таклиф тушди. Хусусан, мамлакатимизда ННТлар маълумотномасини яратиш, мавжуд ташкилотларни ҳимояладиган маслаҳат идорасини тузиш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда АҚШ ҳукумати молиялаштираётган фан ва таълим соҳасидаги алмашув дастурларини битирувчилар ҳам қатнашдилар. Улар АҚШнинг иқтисодий ва ноҳукумат институтларида ўрганиб келган билим ва тажрибаларини гапириб беришди. **«Туркистон-пресс»**

«Нимага шундай носозликларни вақтида тузатишмайди-я», — дедию кеча келган туман газ ходимининг «Қарзларингиз кўпайиб кетибди, нимага вақтида тўламайсиз?» деганини эслади. Қаранг «эрта, индин» деб олти ой газ ҳақини тўламаган экан-а. Бугун унинг қадри билинапти... Лекин кейинги пушаймон...

Негаки бундай хонадон эгалари анчагина. Уларнинг лоқайдлиги ва бепарволиклари, истеъмолчи мажбуриятларини бажармаганлиги боис тўловлар вақтида бажарилмайди. Натижада носозликларни ҳам ўз вақтида бартараф этишда соҳа ходимлари олдида маблағ муаммоси туради. Ахир бозор иқтисодиёти. Бекорга «Хисобли дўст айрилмас», дейишмайди-да.

Лекин ушбу мақоланинг мағзини чақмаганлар, газини ёқиб, пули чақаётганлар, «эрта-индини» кўпплаб пойтахтимизнинг барча туманларида топилди. Биргина Шайхонтохур туманидаги қарздорларни оладиган бўлсак, уларнинг орасида барча соҳа ходимлари бор, ҳаммасининг тўловга қурби етади. Улар орасида тадбиркорларнинг борлиги кишини ажаблантиради. Ахир тадбиркор хар соҳада биринчи, бошқаларга ибрат бўлиши керак. Масалан тумандаги Колхозний кўчаси, 90-ўйдан Шукур Султонхўжаев, Полигراف кўчаси, 1-«а»-ўйдан Сафарова, Абдуллаев кўчаси, 1-йўлак, 27-ўйдан Асомутдинов сингари тадбиркорларнинг хар бири газ тўловидан 32-40 минг сўмдан зиёд қарз. Шунингдек, 7-Кўрғонча кўчаси,

3-ўйдан Жўраев (ДЭУ сервис директори) 36 минг сўм, 6-Кўрғонча кўчаси, 2-ўйдан Азизов (дўкон мудир) 28 минг сўмдан зиёд, Ф.Абдуллаев кўчаси, 1-

қомат қилувчи Тўхтамурад Назруллаев эса 60 минг сўм газ ҳақини тўлашмаган.

Мирзо Улугбек туманида ёқилган газ ҳақини тўлашда ўзаро «муСОбақа»ни қизғайтган истеъмолчиларнинг номларини ҳам келтириб ўтсак, зора улар бундан уялишса. Мусо Жалил кўчаси, 96-ўйдан Вадим Богдасаров (тадбиркор), 76125 сўм, Краснознамя кўчаси, 15-ўйдан Наргиза Нуралиева («Тошиқлоқ-маш» корхонаси ишчиси) 62670 сўм, У.Фулмонов кўчаси 1-1-ўйдан Муҳаммад Сатторов (Ядро физикаси институти илмий ходими) 35 минг сўм, Кавалерийск кўчаси, 26«а»-ўйдан Озод Шерматов (маҳалла фаоли) 40815 сўм, Т.Малик 1-тор кўчаси, 5-ўйдан Борий Валиев (222-мактаб ўқитувчиси) 65258 сўм қарзларини тўламай, тумангаз ходимларини ҳам овра қилишмоқда.

Тўғри, уларнинг хар доим баҳонаю важ-карсонлари етарли. Лекин баҳона билан иш битмайди. Хизматдан вақтида беминнат фойдаланингизми, мушкулнингиз осон бўлдими, ҳақини ҳам муддатда тўланг-да. Вахोलанки, сизнинг тўловларини вақтида адо этмаслигингиз носозликларни ўз вақтида бажармасликда ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқариб, қўни-қўшини, маҳалладоларингизга зарар келтиради. Шу боис газ ҳақини ўз вақтида тўлаб, кейинги пушаймонга ўрин қолдирманг. **(Ўз мухбиримиз)**

**Тўловлар**

**ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ**

Меҳмон қаҳириб қўйган хонадон эгасининг фиғони фалакка чиқди. Бирин-кетин қаҳирилган меҳмонлар кириб келаяптию лекин эрталабдан буён хонадонда газ йўқ. Кераклик жойларга кўнғирок қилди, елди-юғурди, лекин унга «Авария ҳолати бартараф этиляпти, сизнинг худудингизда кечгача газ бўлмайди» деб жавоб беришди.

йўлак, 18-ўйдан Асомитдинов (фирма директори) 33 минг сўм, Кох-ота кўчаси, 18-ўйдан Мавзурхўжа Умархўжаев (спорт мураббийси) 61 минг сўмдан зиёд қарзларини тўлашни ўйлашмаётгани ачинарлидир.

Бектемир туманида яшовчи қарздорлар ҳам бир неча марта огоҳлантиришларга қарамай ҳали-ҳануз пинагини бузишгани йўқ. Тумандаги Мажнунтол кўчаси, 440-уй эгаси Владимир Мамо 20 минг сўмга яқин, «Чашма» кўчаси, 37-уйда яшовчи Қумри Ақулова 68 минг сўм, ундан қолишмасликка «интилаётган» қўшниси 36-«а»-уйда исти-

## ОММАВИЙ- ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Ҳар йили анъанавий тарзда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Оммавий ватанпарварлик ойлиги ўтказилади.

Куни кеча Марказий Офицерлар саройида ушбу ойликнинг очишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа ишлари вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлар командирлари, «Ватанпарвар» аъзолари, ташкилотда таҳсил олаётган курсантлар, шахар ва туман ҳокимлиги ва бошқа дахлдор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олган Республика Мудофаа ишлари вазир ўринбосари А.Аҳмедов, Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг раиси А.Абдуқаҳҳоров, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Қ.Аъзамов, Тошкент шахар ҳокими ўринбосари А.Аҳмедовлар ушбу ойликдан кўзланган мақсад — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар дилида она-Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини уйғотиб, уни севиш ва эъзозлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусоф-фолигини сақлаш ҳар бир йилгитининг муқаддас бурчи эканлиги, мард, жасур юрт ҳимоячилари ҳаммиса элнинг фахри, гурури эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Ватан ҳимоячилари кунини байрамини меҳнат ютуқлари билан қутиб олаш ва уни муносиб нишонлашга озми-қўпми ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилиб келмакдасиз, — деди биз билан сўзлашган Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шахар Кенгаши раиси Назир Ризаметов. — Ушбу тадбирга пойтахтдаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари жалб қилинган ва улар билан ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилган. Унга биноан туманлардаги «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ЕИХ шахар ва туман бўлиmlари, халқ таълими бўлиmlари, ўрта махсус касб-хунар бошқармаси, туман мудофаа бўлиmlари ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ватанпарварлик руҳидаги кечалар, учрашувлар, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар, ҳарбий қисмларга ҳамда музей ва зиёратгоҳларга ташрифлар уюштирилади. Бунда тадбирларга «Ватанпарвар» бошланғич ташкилотининг аъзолари, айниқса ёшлар, вояга етмаган ўсмирлар ва ҳарбий хизматта қаҳирилувчилар кенг қамраб олинади.

Тадбирлардан кўзланган мақсад эса битта: ўсиб келаётган ёш авлодга Ватан тушунчаси, уни қўриқлаш — муқаддас бурч эканлиги, Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш, ташкилотнинг Низом вазифаларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборатдир.

Оммавий ватанпарварлик ойлигининг очилишига бағишланган тадбир иштирокчиларига Марказий Офицерлар уйи миллий ашула ва рақс ансамблининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куй ва кўшиқлари байрамона кайфият бағишлади. Шунингдек, қатнашчилар «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-ўқув техникалари, спортчиларнинг эришган ютуқлари, спорт тўғараклари ва секцияларидан тайёрланган ракета-авиамоделлари кўргазмаси билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

Муҳаммад АЛИ

Халқаро Амир Темур фонди бошқаруви раиси,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР УЛКАН

Янги йил нашидаси ҳаммиса кўнгилларга фараху шодлик олиб келади. Ўтган йилнинг қувончу ташвишлари, амалга ошмай қолган орзулари, армонга айланган ниятлари бир-бир кўз олдимиздан ўтади. Бир лаҳза умр ўтаётганини ўйлаб маъюсликка чўмамиз, аммо остонада Янги йил эшик қоқиб турганлигини кўриб, ўтган йилда адо этолмаган ишларимизни келажакда маромига еткази олишимиз мумкинлигини ҳис этиб дилларимиз орзиқади, Аллоҳга шукроналар айтаемиз. Бу инсонга хос нарса.

Янги йил келар экан, мамлакатимизнинг каттами-кичик ҳар бир фуқароси, ҳар бир жамоа ўзининг маълум маънода сарҳисобини қилади, Янги йилга режаларини белгилайди. Халқаро Амир Темур фонди ҳам бундан мустасно эмас.

Ўтган йили Халқаро Амир Темур фонди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида Шаҳрисабзда «Амир Темур ҳамда теурийлар даврида Қашқадарё воҳасида ижтимоий ва маданий ҳаёт» мавзуда илмий-амалий анжуман ташкил этди. Маълумки, 2006 йилда соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудига олти юз етмиш йил тўлади. Ушбу сана мамлакатимизда катта маданий воқеа бўлиши шубҳасиздир. У тарихимизни, яъни ўзлгимизни англашда катта аҳамият касб этади албатта. Анжуманнинг Шаҳрисабзда ўтказилиши катта рамзий маънога эга эди... Чунки Президентимиз сўзлари билан айтиганда, унинг шахсиятини, даврини, тарихини англаш ўзлгимизни англаш ҳисобланадиган буюк зот Амир Темур Кўрагон худди ана шу заминда дунёга келди ва жаҳон тарихининг улуг чинорларидан бири бўлиб қолди. Юқоридаги анжуман ана шу қутлуг сана олдида ташланган биринчи қадам бўлди ва бу борада олдимизда турган вазифаларни белгилаб берди. Мамлакатимизнинг таниқли тарихчи олимлари ва адиблари, зиёлилари иштирок этган ушбу анжуманда Амир Темур ва теурийлар давридаги маданий ва ижтимоий ҳаёт ҳақида ажойиб маърузалар тингланди. Хусусан, анжуманда, таниқли теурушуно олимлар Т.Ширинов, А.Аҳмедов, А.Бердимуродов, П.Равшанов, Б.Қосимов, А.Араповлар Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга элчи бўлиб келиши, Амир Темур ҳарбий юришларининг сабаб ва мотивлари, Соҳибқирон шахсияти,

Шаҳрисабз мўъжизалар маскани, Амир Темурнинг суҳравардия таълимотиға муносабати, Амир Темур ҳақида янги тәпилган қисса ва ҳоказолар ҳақида қизиқарли маърузалар қилдилар. Халқаро Амир Темур фонди хорижий мамлакатлар билан алоқалар бўлими бошлиғи Насруллоҳ Тўра Соҳибқиронга хориждаги қарашлар мавзусида нутқ ирод этди.

Хуллас, анжумандан кейин ажойиб ижодий режалар туғилди, ҳар йили Шаҳрисабзда Соҳибқирон туғилган куни арафасида шундай анжуманини ўтказишга келишиб олинди.

Қувончли ҳодисалардан бири ЮНЕСКО бош қароргоҳининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги» нишонланиши ҳақида қарор қабул қилгани бўлди. Бу, Амир Темур Ватанига бўлган ҳурматнинг яна бир нишонасидир. Байрам 2004 йилда ўтказилади. Қарши, уни Нахшаб, Насаф ҳам дейдилар, Амир Темурнинг сўйган шаҳарларидан бири эди, у бу шахарда кўп марта бўлган, умрининг кўп палларидан шу шахарда ўтган. Соҳибқироннинг Қаршини қанчалар яхши кўришини шундан ҳам билса бўладики, у 1362 йилда, хали юрт бошида бўлмаган, йигирма олти ёшли, оддий амирлардан бири мақомида юрган бир пайтда вақтни бекор ўтказмай девори бўлмаган Қарши қалъасини девор билан ўраттириб қиди. Бунда Амир Темурнинг бунёдкорлик шижоати намоян бўлди, у узокни кўзлаб иш қилганлигини жаҳон аҳли кейин билди. Қарши шаҳрининг тўйи тарихимизни ўрганиш, англашда катта аҳамиятга молик бўлиши аниқдир.

Келаси йилда жаҳоншумул аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудига 610 йил тўлади. Шу муносабат билан Халқаро Амир Темур фонди Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа ижодий-илмий ташкилотлар билан теурийлар ва усмонлилар ўртасидаги илмий муносабатларга бағишлаб халқ-

аро конференция ўтказишни режалаштирмоқда.

Янаги йил маданий тарихимизда ва адабиётимизда нодир воқеалардан бири бўлган «Темур тузуқлари» асарининг ёзилганига, китобнинг ўзида келтирилишича, олти юз йил тўлмоқда. «Тузуқ»ларнинг биринчи мақоласи шундай сўзлар билан тугайди: «...Қайсар (яъни Боязид Йилдирим — М.А.) тўрт юз минг отлик ва пидеа аскарлари билан менга қарши юзланди... Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарбошиларидан бири қўлга тушириб, хузуримага келтирди. Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим...» Соҳибқироннинг Самарқандга келиши 1404 йилнинг ёз ойларига тўғри келади.

«Темур тузуқлари» — бу Амир Темурнинг авлодларга қолдирган ўзига хос маслаҳату насиҳат ва васиятларидир. Ўзининг энг зукко котибларига умри давомда айтиб ёздирган бири қўлга тушириб, хузуримага келтирди. Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим...» Соҳибқироннинг Самарқандга келиши 1404 йилнинг ёз ойларига тўғри келади.

«Темур тузуқлари» — бу Амир Темурнинг авлодларга қолдирган ўзига хос маслаҳату насиҳат ва васиятларидир. Ўзининг энг зукко котибларига умри давомда айтиб ёздирган бири қўлга тушириб, хузуримага келтирди. Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим...» Соҳибқироннинг Самарқандга келиши 1404 йилнинг ёз ойларига тўғри келади.

Амир Темур ва теурийлар даври тарихи жуда бой. Уни халқимизнинг қатлам-қатламларига етказиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Шунинг учун Фонд ўз Низомидан келиб чиқиб жойларда, мактаб ва коллежлар, университет ва бошқа ўқув даргоҳларида, ҳарбий қисмларда Амир Темур клуби ва тўғаракларини очиб, уларда қизиқарли маърузалар уюштириш, учрашувлар ўтказишни бошлаб юборди. Бу борада айрим вилоятларда маълум ишлар олиб боришмоқда. Бундай тўғараклар келажакда Фонд қошида республика ёш теурийлар жамиятини тузиш имконини беради. Натижада биз улуг бобомиз тарихини чуқурроқ ўрганиш имконини яратган бўламиз. Мақсад ёш авлод кўнглига Амир Темурдек буюк зотга ворислик гурурини жойлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни фидойи қилиб тарбиялашдан иборатдир. Янги 2004 йилда бу йўлдаги фаолиятимизни кучайтириш ниятидасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2004 йилни «Меҳр ва мурувват» йили деб аташни таклиф этди. Бу халқимиз кўнглидаги айни муқаддас.


Меҳр мурувват йилингиз қутлуг бўлсин, азиз ватандошлар!

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Швейцариянинг «Vifor International» компанияси Ўзбекистонга бир миллион АҚШ доллари миқдорига қамқонликка қарши «Венофер» дори-дармон воситаларини инсонпарварлик ёрдами сифатида топширди. Мазкур дори воситаси Ибн Сино халқаро жамғармаси орқали республика тиббиёт муассасаларига тарқатилади.

— Қамқонлик ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Саиджалол Баҳромов «Туркестон-пресс» муҳбирига. — Унинг юзга яқин тури мавжуд бўлиб, улар орасида темир танқислиги айниқса кўп учрайди. Ер юзидagi одамларнинг ҳар бештадан бири мазкур қасалликка чалинган. Қамқонлик кўпроқ туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларда учрайди. Аҳолининг 40 фоизиди эса қасалликнинг яширин ҳолати мавжуд. Қасалликни даволаш учун беш юздан орттиқ дори-дармонлар яратилган. Улардан фойдаланилганда баъзан қутилмаган натижаларни бериши мумкин. Швейцариянинг «Vifor International» компаниясининг дори воситаси инсон организмидида темир моддаси танқислигида ва қасалликнинг оғир ҳолатларида қўлланилади. Юқорида айтганимдек, инсон организмидида «Венофер» дорисини осонроқ қабул қилади.

«Туркестон-пресс»



Мен боғчада мустақил ёзшни ўрганиб олмоқдаман.

Ҳакимжон Солиқов олган сурат.

Ватан ичра мўъжаз ватан бўлмиш оила — жамият келажоги, унинг дуру гавҳаридир. Оила инсон учун ҳаётли тўқилди, бахт қалити бўлса, мамлакат учун тараққиёт таянчи, жипслик, дахлсизлик омили, миллат эртасини бағрида камол топтирадиган ошиён-дир.

Хайри ташаббус

МУСТАҲКАМ ОИЛА ЗАМИНИ

Унинг обод, мустаҳкам бўлиши ёш йигит-қизларнинг оиладаги ижтимоий-руҳий омилларни нечоғди тушунишлари, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила олдидоги бурч ва масъулиятини англаб, вазибаларини тўлиқ бажаришларига боғлиқдир. Оиладаги соғлом руҳий муҳит, юксак тиббий маданият, ўзаро меҳроқибат, ахиллик — ҳамжихатлик, моддий-маънавий тўқилди омиллари асосланади.

Шу йилнинг январь ойида ўз ишини бошлаган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактаби фаолиятининг илк кунлариданоқ айнан шу қоида шорга айланди, десак хато бўлмайди. Негаки мактабнинг фаолиятини белгилашда ҳозирги кунда оила қурган ёш оилавий ҳаёт бўсағасида турган ёшларга жуда зарур бўлган мақсадлар танлаб олиниб, ҳар

Хўш, натижаларчи? Мактабнинг бир йиллик фаолияти давомида амалга оширилган ишларнинг самараси қандай? Келинг, бу борада мактаб тингловчиларининг фикри билан қизиқиб кўрайлик.

Алишер ИСМОИЛОВ, Тошкент юридик коллежи «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Бугун кўпчилик тенгдошларимиз оила қуриш масаласига энгил-елли қарамади. Оила моҳиятини англамасликлари, ўз бурч ва вазибаларини билмасликлари натижасида, турмуш қурганларига бир йил бўлар-бўлмас, ажрашиб кетмоқдалар. Бунинг асосий сабаби эса уларнинг оила қуришга тайёр эмасликлари, турмуш муаммолари олдида гангиб қолишларидадир. Бундай ҳолатлар бўлмаслиги учун, аввало турмуш қуришдан олдин муайян билимларга эга бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлиб, биз иштирок этган ёш оила қурувчилар мактаби машғулотлари ҳам айнан ана шу мақсадларни кўзлаб ўтказилди.

Азиза МАХАМДУЖОНОВА, хотин-қизлар коллежи талабаси:

— Мен мактабнинг барча машғулотида иштирок этдим. Негаки, уларда кўтарилган мавзулар биз учун жуда зарур. Семинарлар жараёнида биз, энг аввало, ҳар бир инсоннинг оила олдидоги масъулиятини, оилада эр-хотиннинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, бола тарбиясидаги вазибаларини ва албатта, соғлом руҳий муҳитни оилада шакллантириш учун нима қилмоқ кераклигини ўргандик.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Ёш оила қурувчилар» мактаби ёшлар учун жуда зарур аҳамият касб этди, уларнинг оилавий турмушларини белгилашда кўмак берди.

Бир неча кундан сўнг «ЖАР-спорт» соғломлаштириш мақсадида «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабининг якуний анжумани бўлиб ўтди. Унда мактабнинг бир йиллик фаолиятига якуний баҳо берилди. 200 нафар тингловчиларнинг барчасига «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва Адлия Бош бошқармасининг сертификатлари, энг сардорлик қўлалари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шоира МУХАМЕДОВА, Дилдора МЕЙЛИЕВА, СУРАТЛАРДА: ёш оила қурувчилар мактаби тингловчилари.

Тадбир Тошкент давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Давлат бошқаруви» кафедраларининг ўқитувчилари ҳамда Тошкент Ислам университети «Ислам ҳуқуқи» кафедраси аъзоларининг ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда магистрлар, талабаларнинг парламент бўйича қизиқтириётган саволлар муҳокама қилиниб, улар парламент тарихи, жаҳон тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Айниқса Тошкент Давлат юридик институти талабалари Б.Ҳамидов, Б.Жумаев, А.Ҳамидов, шунингдек, Ислам университети талабалари А.Бегалиев,

И.Бобоназаров, О.Мусамухамедовларнинг фикр ва мулоҳазалари жуда қизиқарли бўлди. Талабаларни қизиқтирган барча саволларга юридик институти

Олий ўқув юртиларида

ҲОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Кунни кеча Тошкент Давлат юридик институтида талабалар, магистрлар ҳамда Тошкент Ислам университети талабаларининг «Парламент ва ёшлар» мавзусидаги илмий анжумани уюштирилди.

Фаррух Жўраев, ТДЮИ 1-босқич талабаси.

КАМОЛОТ

Менгдошларинг изқодидан

КАТРАЛАР ҚОР

Қор. Қалбим туғёнларидан отилиб чиқаётган орзулар қадар кўпсан. Ёғасан, ёғаверасан, қўлларингга, кўларингга, бутун жисми жонингга баъзан-баъзан ё қўнасан ёки йўқ...

Эриб армонларга айланасан. Баъзан аса қимлардир худди қорнинг, оппоқ қорнинг устидан юриб келгани каби менинг орзуларини ҳам оёқ ости қилмоқчи бўлади...

Лекин қор қайта ва қайта ёғгани каби, орзулар ҳам қайта ва қайта туғилаверади...

«БУНЁДҚОР» ХАБАРЛАРИ

• Яқинда Ҳамза туманидаги 307-мактаб ўқувчилари «Озода шахрим» акциясининг «Ҳазон йиғиш» лойиҳаси бўйича тумандаги «Мустақиллик» маҳалласида тадбир ўтказдилар.

Ўқувчи ёшлар ҳавонинг совуқлигига қарамасдан маҳалла ёшлари билан биргаликда ҳазон йиғишга киришдилар. Тадбирдан сўнг фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар «Камолот» ЕИХ Ҳамза тумани бўлими томонидан ўқув қуроллари билан тақдирландилар.

• Кунни кеча Ҳамза туманидаги ҳарбий қисмда янги келган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Ҳарбий қасамёддан сўнг ҳарбий қисм маданият саройида аскарлар иштирокида ҳазил-мутойба кечаси ва концерт дастурлари намойиш этилди. Ҳарбий қисмдаги фаол аскарлар «Камолот» ЕИХ Ҳамза тумани бўлими томонидан фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

• Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти атрофидаги «Навбахор», Азамат, «Ахиллик», «Уйғониш» маҳаллаларида ҳам «Озода шахрим» акциясининг «Ҳазон йиғиш» лойиҳаси бўйича тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда туман маҳалла ёшлари тарбиячиси ва маҳалла посбони маркази бошчилигида мактаб ўқувчилари, боғча тарбиячилари, қорхона ишчилари фаол иштирок этдилар.

Нодира НИЗАМОВА, «Бунёдқор» ёшлар телеклуби ходими.

Кунни кеча «Янги Камолон» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Шайхонтохур туман кенгаши қосидаги «Ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш» мажмуасининг «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази ташаббуси билан «Ҳар бир фарзандга — меҳр-эътибор!» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА — МЕҲР-ЭЪТИБОР

Маълумки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талабалари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, қуч-ғайратини тўла намоён этиши учун шарт-шароитни яратиб бериш, ёш авлодининг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир.

Маҳалла ёшларини соғлом турмуш талабалари асосида тарбиялаш, ўсирилари санъат ва илм-маърифатга қизиқтириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда болалар ёзувчилари

Бир туман ёшлиқлари

АСКАРЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими кенгаши ҳомийлигидаги «Камал» болалар ташкилоти томонидан мактаб ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик фаолиятини амалга ошириш, хизмат бурчининг таъаббат аскарларга яқинда эътибор бериш мақсадида икки ойдан буён туман ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмга экскурсиялар уюштириб келинмоқда.

Бугунги кунга қадар ўтказилган экскурсияларда 305, 284, 301, 104-мактабларнинг 9-11 синф ўқувчилари (ўғил болалар) фаол қатнашдилар. Экскурсия давомида ўқувчиларга ҳарбий қисмда турмуш шарт-шароити тўғрисида муаммавий маълумот берилди, бунда улар ҳарбий қисмнинг яқиндагина 11 йиллиги нимошонланганини билди олдилар. Уларнинг ҳарбий бўлиб қолганини ўташ учун келганларига бир неча кун бўлган аскарларнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлар Низоми,

қўқитувчилари С.Хидиров, М.Нажимов, Ф.Муҳиддиновлар тўлиқ ва тушунарли тарзда жавоб бердилар.

Албатта, келаси йилда Ўзбекистон фуқаролари янги икки палатали парламент сайловида иштирок этишар экан бугунги тадбирдан кўриниб турибдики жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ, балки уларни ҳуқуқий саводхон, кенг тафаккурли бўлишга чорламоқда.

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА — МЕҲР-ЭЪТИБОР

Маълумки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талабалари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, қуч-ғайратини тўла намоён этиши учун шарт-шароитни яратиб бериш, ёш авлодининг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир.

ҚАРОР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарори ижроси юзасидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими кенгаши томонидан «Соғлом авлод учун» жамгармаси, туман ҳудудий-тиббий бирлашмаси, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда туман умумтаълим мактабларининг 8-11 синф ўқувчилари учун суҳбатлар ва учрашувлар ўтказиб бормоқда.

Суҳбатлар «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Эрта ва қариндошлар эртасидаги ниҳолларнинг олдини олиш», «Соғлом турмуш тарзи ва оила», «Соғлом қизлар — давлатимиз келажоғини яратувчиларидир» мавзуларида олиб борилиб, унда туман ҳудудий-тиббий бирлашмасига қарашли шифохоналарнинг гинеколог, педиатр, терапевт ва врачлари қатнашиб келмоқдалар. Суҳбатлар давомида репродуктив касалликлар, анемия хасталиги ва уларнинг оқибатлари тўғрисида сўз юритилляпти.

Усирилларда жинсий ўзгаришларнинг кечилиш, ўсириллик даврининг ўзига хослиги, бу даврдаги руҳий-эмоционал ўзгаришлар ва шу каби балоғат ёшига хос бўлган кўпгина ҳолатлар тўғрисида маълумотлар берилмоқда. Суҳбатлар давомида ўқувчи қизлар уларини қизиқтирган кўпгина саволлар билан муҳокама этдилар. Суҳбатлар якунида фаол қатнашган қизлар учун «Соғлом авлод учун» жамгармаси томонидан китоблар совға тарзида берилмоқда. Бугунги кунга қадар 303, 6, 3, 8-мактабларда шундай суҳбатлар ўтказилди.

Мағбирлар

ГУЛЛАСИН БАХТ-ИҚБОЛИНГ

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини иложи борича мукамал билган ҳар бир шахс жамиятда барча шарт-шароитлардан оқилона фойдаланади ҳамда бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қила олишига шубҳа йўқ. Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳар бир молдининг моҳиятига эътибор берилса, у албатта фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборатлиги, шунингдек, шахс ҳуқуқларининг амалда ҳимояланиши таъкидлаб ўтилган.

Қонуларни ўргатиш асосан боғча ёшлардан бошланса айни муддао бўлади ва келажакда бунинг самараси ҳам каттадир. Яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги 171-мактабда Маънавият ва маърифат марказининг туман бўлими, туман воётамаганлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган семинар ҳам ёшларимизнинг қонулар ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукамал ўрганишлари бағишланди.

«Гулласин бахт-иқболнинг» мавзусидаги ушбу семинарда мактабнинг 6-7 синф ўқувчилари Бош Қомусимиз — Конституциянинг асл моҳияти ҳақида ўзлари билганларини тайёрлаган саҳна кўринишлари, шеър ва қўшиқларида ифода қилинди.

Шунингдек, семинарда туман суди ҳамда туман воётамаганлар билан ишлаш бўлими вакиллари ёшларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида гапириб ўтишди.

ЁШ ЧЕВАРЛАР


Биз ёшларнинг бўш вақтини кўнглили ташкил этиш ҳақида кўп гапирмиз. Сабаби, ҳамма иллатларнинг боши — бекорчилик, бирор кимсанинг назоратида бўлмаслик, бирор ишининг бошини тутмасликдадир.

Зеро, уларнинг жиноят кўчасига кириб кетмасликлари, хатарли оқимларга қўшилмасликлари, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун зарур имкониятларни яратиб бериш бугунги куннинг асосий вазибаларидан биридир. Миллий ва маданий қадриятларни, халқ хунармандчилигини тарғиб этиш, ўргатиш, ёшларни Ватанга садоқатли ва эл манфаатларига хизмат қилиш руҳида тарбиялашда маҳаллада ташкил этилган тўғарақларнинг ўрни каттадир. Ақмал Икромов туманидаги Ю.Сақкокий маҳалласида маҳалла, оила, мактаб, боғча ҳамкорлигида спорт байрами ва «Ёш чеварлар» тўғарагининг кўриқ-танлови ўтказилди.

Тадбирда «Камолот» ЕИХ туман бўлими, «Маҳалла ёшлар билан ишлаш бўлими, туман халқ таълими бўлими, 14-мактаб, 251-боғча мазмурияти, тумандаги маҳаллаларнинг итирок педагог-тарбиячилари иштирок этдилар. Келажакда шим ворислари иштирокида шахмат-шашка, теннис, футбол, баскетбол ва арқон тортиш бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Ёш чеварлар эса каштачилик, зардўзлик, тўқиш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Тадбир гоилибларига «Камолот» ЕИХ туман бўлими томонидан Фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Дарҳақиқат, билимли, соғлом бўлиб ўсиб келаётган ёш авлод хунар кел эгалласа, мамлакатимиз келажоғи унда обод бўлади. «Маҳалла ёшлари» тарбиячиси» маркази фаолият бошлагандан бери, маҳалладаги педагог-тарбиячилар ишининг самарадорлиги, фаоллиги, талабчанлик ва қизиқишлари ана ҳам ортди десак янглишмаган бўламиз. Қатор ўтказилган ушбу тадбирлар ана шундан далolat бериб турилади.

Шоҳиста МУХСИМОВА СУРАТЛАРДА: Ю.Сақкокий маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.



Кунни кеча Ақмал Икромов туман ҳокимлигида Ақмал Икромов, Чилонзор туманларидаги маҳаллалар посбонлари сардорлари ва педагог-тарбиячиларнинг қўша ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда 120 дан ортқ маҳалла посбонлари, сардорлари, педагог-тарбиячилар қатнашди.

Анжуманлар

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

Ўқув-семинарда туман ИИБ профилактика катта инспектори Раҳматулла Шукров, туман «Посбон» марказининг раҳбари Исмоилжон Кузгибоев ва Тошкент шаҳар «Посбон» марказининг раҳбари Муҳиддин Турсунбоевларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашда ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла посбонлари, педагог-тарбиячиларнинг ҳамкорлиги ёшларни тўғри йўлга солишда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида маърузалар тингланди ва бунга ҳаётли мисоллар келтирилди.

Юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтган ушбу тадбирдан ийгилиганлар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар.

Садриддин АЗИЗОВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб  
домо бўлур...

- Ёшлигингда шундай яшагингки, кексайиб чорасиз қолганинда бахтли бўл.
- Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича ниманидир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ят олгандан кейин кудук қазинишдан нима фойда.
- Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.
- Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.
- Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қариялар фикр билан ағдардилар.

**ХИКОЯТ.** Бир ҳақимдан сўрабдилар:

— Сен учун энг улуг киши ким?

— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.

**Байт:**  
**Бўйин товлама кекса**  
**тадбирдан,**  
**Қарияларда бор**  
**тажриба, фикру фан.**

- Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, тан саломатлиги, иккинчиси кўнгил роҳати, учинчиси ақл ва зехнинг ортишидир.
- Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг. Бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни бой берманг.
- Меҳнатни севмаган одам ҳар бир бузқўликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялғовлик, ишсизлик фалокат гирдобига ташлайди.
- Меҳнатинг — зийнатинг.

**ХИКОЯТ.** Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун ҳақим айтади:

— Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатдан топдим.

**Байт:**  
**Меҳнат ила ҳал бўладир**  
**хар мушкул,**  
**Комидил меҳнат ила**  
**бўлғай ҳосил.**

- Инсоннинг энг гўзал фазилати — унинг одобида. Хусн — хусн эмас, одоб хусн, у ҳеч қачон қаримай абадий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.
- Ширин сўз — одобли кишининг энг зарур қуролидир. Аччиқ сўзлар айтиб дилларни шикастлалаш нодонлик белгисидир.
- Одобли инсон дўстлигини зардек қадрлайди, зеро қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.

**ХИКОЯТ.** Бир қанча фозиллар Афлотунга шундай савол беришибдилар:

— Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?

— Душманларимга, — дебди у, — одамга маълумки, ақли, одобли одам ёвузликдан қочади. Аҳмоқларни эса беманъи ишдан сира қайтариб бўлмайди.

**Байт:**  
**Ақл улғуликка этади**  
**пайванд,**  
**Ақлсизнинг доим оёғида**  
**банд.**

Мустақиллик байрами арафасида Тошкент Ислам университетининг илк қалдирғочлари канот қокди. Шу муносабат билан журналдан Н.Шамсуддинов («Усул ал-фикҳда насх масаласи»), О.Дадамухаммедов («Ҳадислар бўйича замонавий қўлланма») каби илк магистрантларнинг мақолалари жой олган. Мазкур мақолаларнинг номларидан аён бўлиб турибдики, университетда талабаларга таълим беришда диний ва дунёвий илмлар уйғунлигига эришилган.

Шунингдек, журналда Абдулоҳлиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйига бағишланган махсус руҳн ташкил этилган. Унда Абдулоҳлиқ Ғиждувонийнинг рубойлари, «Рутбат ал-ҳаёт» асаридан бир лавҳа, «Нақшбандийлик — бунёдкор ғоя» (Г.Наврўзова), «Тазкираи Нақшбандия»даги Абдулоҳлиқ Ғиждувоний зикри (М.Раззоқова) номли мақолалар, Мухлис Намангоний ва И.Жумаевнинг Хожай ҳажон шаънига битилган мусаддас ва манзумаси жой олган.

Ҳиндистонлик олим Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом Бухорий сийрат») номли китобидан берилган парчаларда «ал-Жомий ас-саҳийҳ»га ёзилган шарҳлар ва изоҳлар баён этилади.

«Султон суягин хўрламас» номли мақолада бosh муҳаррирининг Халқаро Бобур жамғармаси раиси З.Машраб билан суҳбати берилган. Унда улуг аждодларимизнинг Афғонистондаги мақбаралари ва уларнинг бугунги аҳоли, шунингдек бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида хикоя қилинади.

«Маърифат нури» (Ш.Ҳайитов) номли мақола А.Жомий ва «Навоийнинг муносиб


издоши» (Н.Абдулҳаким) номли мақола эса З.Фурқат меросининг очилмаган қирраларини ёритишга бағишланган. «Матн

(Мухаммаджон Хожи, Хасанхон, М.Бўтавой угли, Ф.Сатторов) Абдулмажид Қози домла Ҳофиз (1870-1967)нинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти батафсил таҳлил этилган ва меросидан лавҳалар берилган.

Журналлар саҳифаларида

ТЎЁНА САБОҚЛАР

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнаlining 2003 йилдаги 2-3 кўш сони ўқувчиларга тақдим этилди. У бosh муҳаррир З.Мунавваровнинг «Мучал тўйинг муборак, азиз Ватаним» мақоласи билан бошланган. Хорижда истиқомат қиладиган ватандошимиз Тошкент (Комил Абдулло Андижоний)нинг «Ватан мадҳи» шеърини ҳам мустақил Ўзбекистон васф этилган.



чининг юксак масъулияти» (В.Раҳмонов) номли мақолада эса мумтоз асарлар нашрида йўл қўйилган айрим камчиликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз боради.

Хароботий ким эканлигини билмоқчи бўлсангиз, Ҳ.Фикратнинг «Хароботий ва унинг «Маснавий Хароботий» асари» мақоласини ўқиб чикинг. Шунингдек, «Мунтахаб-ул-л-масойил»нинг қандай асар эканлиги ва унинг ёзилиш тарихини Ш.Маҳмудбековнинг шу ном билан бошланувчи мақоласидан билиб олишингиз мумкин.

«Саманамиз уламолари» руҳиндаги асосий мақола (С.Жалилов) ва хотираларда

қўллаган ёзувлар (У.Саноқулов), «Султон Увайс (1/621-39/660)» (М.Х.Беруний ва С.Дарвеш), «Аждодлар меросида хусусий ҳуқуқ ришталари» (Т.Умаров) ва «Бухоро тарихнавислари ва уларнинг асарлари» (О.Масалиева) каби мақолалар жой олган.

Бир сўз билан айтганда, журналдаги маънавий мерос, тарих, фалсафа ва бошқа фанларга оид аниқ маълумотлар ва рангли безаклар билан зийнатланган қирққа яқин мақолалар ёшларни маънавият қўққларини забот этишга, ўз тарихи ва аждодлари меросини чуқур ўрганишга даъват этади.

Менга ҳам шу олий бахтни бекаму кўст адо этиб, табаррук 70 баҳорни қарши-лаш остонасида турган, толе кўеши ярақлаган аёл ҳақида икки оғиз илиқ калом ёзилиши ҳақида айтилганида, тўғриси жуда қийналдим, чунки оддийликни, соддаликни, ўзбегимнинг гўзаллиги ва камтар-камсуқумлигини ўзида мужассам этган суварати ҳам, сийрати ҳам гўзал бўлган инсоннинг таърифига бисотимдаги сўзлар гўёки етмаётгандек туюлаверди.

— Ҳеч ҳам хижолат чекманг, — дея мендаги иккиланишни кўзларидаги меҳр ва сўзларидаги самимийлик билан бартараф этиб юбордилар суҳбатдошим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Жасорат» медалга соҳибаси, ҳозирги кунда Республика «Нуроний» жамғармаси қошидаги «Фаҳрия аёллар» уюшмаси раиси Хосиятхон Ёқубжоновна. — Ўзбегимнинг оддийгина аёлиман. Меҳнатқаш ва мушфиқ онажоним ва опам Мушаррафхоннинг саъй-ҳаракатлари билан илм олишга интилган ўқувчи, қизалоқдан давлат ва жамоат арбоби, раҳбар аёлга айландим. Толоимни қарангки аёлини эъозлайдиган, турмуш қийинчиликларини баравар енгиб ўтадиган олижаноб инсонга учрадим. Ёшлиқда ҳеч чарчамас экансанда, ўқишга, ишга, оила ва фарзандларга ҳам вақт етар экан.

1952 йили ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг кечки курсига ўқишга кирган бўлсам, ҳозирги кунда бешта дипломим бор. Ўқиш ва ўрганишдан ҳеч чарчамас эдим. Кутубхоналарда кунлаб ўтирар, бошлаган ишимни охи-

рига етказмасдан қўймас эдим. Бир умрлик суянган тоғим Манноп ака билан 45 йил мобайнида бирга яшаб ҳали бир оғиз қаттиқ гапла-

Захматқашларимиз  
БАХТЛИ ОИЛА  
БЕКАСИ

Оналик бахти насиб этган аёллар ҳақида ҳар қанча мақтову таърифлар айтсак ҳам камлик қилаётгандек, энг асосий, ярашиқли таъбиру-тавсифи бера олмаётгандек бўлаверамиз. Шунинг учун ҳам бахтимиз, фаҳру гуруримиз бўлган аёллар ҳақида дostonу байтлар ёзилавери, уларнинг сеvimли уй бекаси, меҳрибон рафиқа, фарзандларининг жонқуяр, жонфидо онажони, давлат ва жамоат ташкилотларида кюнчак раҳбар, илму урфонда жавлон урган оlima дея таърифлари келтирилавери.



рини эшитмадим. Фарзандларим Гўзалхон ва Ферузатхонларнинг ўқимшили, элу юртағ фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб воёга етишлари, оилада бахтли бека бўлишлари учун ҳаракат қилдим. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, фарзандларим, набираларим, кувёларим ҳамма ҳавас қилгудек тарбияли, ўқимшили инсонлар. Бир аёл бахтининг тўлиқ бўлиши учун яна нима керак.

Хосиятхон опа жуда камтарлик қилдилар. У кишининг босиб ўтган умр йўллари ҳаёт дорилфунунига

латимизнинг иқтисодий юксалишига, элу юрт ва халқ фаровонлигига катта ҳисса қўшдилар. Айниқса фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби ижтимоий соҳаларда кўплаб амалга оширилган ижобий ишларда у кишининг муносиб ҳиссалари бор. Айни вақтда Республика «Нуроний» жамғармасининг «Фаҳрия аёллар» уюшмасида республикадаги фаол хотин-қизларнинг ҳаётини ва ижобий иш таърибаларини ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида ҳам ибратли ишларни олиб бормоқдалар. У

кишидан таълим-тарбия ва сабоқ олган шоғирдлар ҳозирда кўпгина соҳаларда фаолият кўрсатиб мамлакатимиз раванқига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

— Болалигимдан китоб ва гулларни, дўстларимни жуда яхши кўрар ва эъозлар эдим, — дея сўзларида давом этадилар ҳамсуҳбатимиз. — Шунинг учун ҳам кутубхонада ўн мингтадан ортиқ китобларим бор. У ерга кирсам ташқи дунёдан узилиб илму урфон уфуриб турган китоблар дунёсига шўнғиб кетаман. Дала ҳовлимизда эса хушбўйлар билан одамни маст қилувчи, дилларга гўзаллик ва ором бағишловчи атиргуллар яшнаган гулзор бор. Ишдан озгина толиқсам шу ердан паноҳ топаман, кучимга куч қўшилиб, ёшариб кетгандай бўламан. Хонадоним эса ҳаминша дўстларим билан гавжум, бағрим бут, улар даврасида кексайиб ёшим ўтиб бораётганини ҳам сезмай қоламан. Давлатимиз томонидан аёлларга бекиёс хурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани эса мени янада яхшироқ ишлаб, фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Атоқли ва сеvimли шоирамиз Зулфияхоним билан яқин ҳамсуҳбату дугона бўлган, ўзи ҳам шоирлар каби нозиктаъб Хосиятхон Ёқубжоновна ҳақидаги дил сўзларимизни ушбу шеърини сатр билан тугаллашни лозим топдик:

Қайдаки аҳиллик,  
садоқат бўлса,  
Меҳнатга чорласа  
сизни шижоат.  
Билингки, яхшилар  
қулиб боқади,  
Барча эзгуликлар  
бўлар ижобат.  
Шоира МУҲАМЕДОВА

**Биласизми?**

**ПИШЛОҚНИНГ  
ТАЪРИФИ ВА  
ХИЛИ**

Фарангистонлик Андрес Симон ўзининг «Пишлоқ тайёрлаш технологияси» монографиясида пишлоқнинг саккиз минг хили борлигини ёзади. Аслида дастлабки пишлоқ тайёрлаш усулини 2000 йил муқаддам Эрон чорвадор қабила-лари тайёрлаган. Бу маҳсулот чиндан ҳам сутли маҳсулотлар ичида кўп тарқалган экан.

**ЎЗБЕК ТАОМЛАРИ  
ҚАНЧА?**

Хамдўстлик давлатларида 10 мингдан ортиқ таомлар ҳозирланар экан, уларнинг 500 хили ўзбекча таомларимиздир.

**СУТ ИЧМАЙДИ-  
ГАН ХАЛҚ**

Хитойликлар сут ичишмайди. Маскаёғ билан сарёғни эса айниган сут деб билишади. Лекин бунисига нима дейсиз? Ўрдак туҳумини атайлаб палагда қилиб сут ўрнида истеъмол қилишади.

**КАРТОШКАДАН  
— ЗАҲАР...**

Сақлаш пайтида кўкарган ва ўсиб кетган картошкада захарли модда — солонин пайдо бўлади. Солонинли таом еган одам лоҳас бўлади, эснайди. Кўпроғи бошни айлантиради. Бир неча бор қайтарилса, ошқозон ва ичакларда ҳасталик пайдо бўлади. Шунинг учун картошканинг «кўзлари»ни ўйиб, кўкимтир жойларини қиринг, илиқ сувда ювиб юборилгандан сўнггина таомга ишлатинг. Акс ҳолда...

**ТАОМНИ  
БИРОВНИНГ  
ОЛДИДА ЕЙИШ...**

Бразилияда бир тоифа ибтидоий қабила-лар истиқомат қилишар экан. Уларнинг яшаш тарзи фақат табиат оғушида бўлганиданми, либос нима эканлигини билмай туғилганда қандоқ бўлса, шундай юраверишар экан. Лекин улар бировнинг олдида таом ейишдан ниҳоятда уялишар экан.



**Кўрғазмалар**

**ХУШБЎЙ ШАРҚ**

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида очилган кўрғазма «Хушбўй Шарқ» деб номланди. Очик жамият институти ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўрғазма иштирокчилари асосини ёшлар ташкил этди.

Кўрғазма очилишида сўзга чиққанлар ёш, истеъдодли расомлар ижоди ҳақида батафсил тўхталдилар. Шунингдек, шарқ аъёнлари, эстетикаси, гўзалликлари акс этувчи асарлар жамламаси кўрғазмадан ўрин олганлигини таъкидлашди.

Кўрғазмада намойиш этилаётган Галия Абдурахмонованинг «Тун», Тоҳир Каримовнинг «Дарвишга илтимос», «Бағишлов» каби, шунингдек, Заур

Мансуровнинг «Келинчақ», «Уй-қудаги шахзод» асарлари диққатга сазовордир. Ушбу асарларда шарқ аёлларининг гўзаллиги кўтаринки кайфият билан тасвирланган.

**Юлдуз РИЗАЕВА  
СУРАТЛАРДА:**

«Хушбўй Шарқ» кўрғазмасидан ўрин олган асарлардан намуналар. Владимир Гранкин олган суратлар.



Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ўтказилган йиғилишда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида 2003 йилда қилинган ва келгуси йилда режалаштирилаётган ишлар муҳокама этилди.

**МЕҲР ВА ОҚИБАТГА  
ТАШНА ҚАЛБЛАР**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқил Обидов сўзга чиқиб, вазирлик мазкур масалادا асосан уч йўналишда иш олиб бораётганини таъкидлади. Булар нафақа таъминоти, ишсизликни бартараф этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини ҳимоялашдир.

— Айни пайтда Ўзбекистонда 2 миллион 765 минг пенсионер бўлиб, шундан 1 миллион 903 минг нафари кексалик ёшидаги пенсионерлар ҳисобланади. Ногирон нафақахўрлар 800 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг 536 минг нафари биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, 229 минг нафари эса болаликдан ногирон бўлганлардир. Вазирлик томонидан саккиз мингдан ортиқ ногирон ҳар йили 10 мингдан зиёд протез-ортопедия маҳсулотлари билан бепул таъминланади, шу йилнинг 9 ойи мобайнида бир минг етти юз нафар ногиронга ногиронлар аравачаси берилди.

О.Обидовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда ногиронлар реабилитациясига алоҳида эътибор берилмоқда. Вазирликнинг тиббий реабилитация марказида ҳар йили ўн икки мингдан зиёд ногиронга ёрдам кўрсатилади.

Айни кунда йигирма беш мингга яқин ўғалар қаровига муҳтож ёлғиз ногиронларга ёр-

дам берилаяпти, ўттиз тўртта тиббий-ижтимоий марказда саккиз минг қария ва ногирон тўлиқ давлат қарамоғига олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда пенсия ва нафақаларга қўшимча равишда кўпгина имтиёзлар тизими жорий этилганки, унинг йиллик ҳажми йигирма миллиард сўмни ташкил этади. Жорий йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламини қўллаб-қувватлаш учун вазирлик йўналишида давлат томонидан жами 8 миллиард сўм дотация берилди. 2004 йилда бу маблағ миқдори 11 миллиард сўмга етказилади, — деди О.Обидов.

Ногиронларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун меҳнат билан бандлик Давлат жамғармаси томонидан кредитлар ажратилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ногиронларга уч юз эллик олти миллион сўмдан зиёд кредит ажратилиши натижа-сида 878 та ишчи ўринлари яратилди. Ногиронларга тиббий-реабилитация хизмати кўрсатишни, уларни қўллаб-қувватлашни янада мукамаллаштириш мақсадида шифокор реабилитологларни ўқитиш, бу борада чет эл тажрибаларини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

«Туркистон-пресс»

Мен ҳам устозим — Тўғон Эр-назаровни ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан хотирлайман. Бир мен эмас, кўпчилик унинг номини ҳамisha ҳурмат билан тилга олади, хотирасини эъзоз-лайди.

Дарвоқе, Тўғон Эр-назаров кўплар учун зинапоя бўлган табаррук инсон ва устоз. У ўзбек матбуоти тарихининг тадқиқотчиси сифатида илмий жамоатчиликка танилди. Ўзбекистонда миллий матбуотнинг шаклланиши ва равнақ топишига бағишланган юзлаб мақолалари, монографиялари ва дарсликлари унга катта шуҳрат келтирди. У яратган илмий мактабда истеъдодли тадқиқотчилар етишиб чиқди. Профессорнинг оммавий ахборот воситалари учун юқори малакали мутахассислар етказиб беришдаги хизматлари ҳам эътиборга лойиқдир. Тўғон ака илмий педагогик ишни ижодий фаолият билан қўшиб олиб боровчи шоиртабиат инсон эди. Унинг шеър, баллада, очерк ва иччам қиссалари ёш авлод учун маънавий меросдир. У оилада, мактабда, ўқувчилар саройида илқ ҳаёт сабоқларини олган. Шеърлар, кичик сахна асарлари яратиб, турли кўрикларда қатнашиб, ғолиблар қаторидан ўрин эгаллаган. Ранг-баранг ва ўқимишли хабар, лавҳа, корреспонденциялари билан Тошкент радиоси, болалар ва ёшларга

мўлжалланган газеталарда қатнашган. Кўққисдан бошланган уруш унинг барча орзу ўйлари, режаларини тўзғитиб юборди. Минглаб тенгдошлари каби фашист босқинчиларига қарши курашга отланди. 1942 йилда

тасида адабий ходим, бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Газетанинг мазмунли, таъсирчан бўлиши учун астойдил жон куйдирди. Кейинчалик ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида

**Хотира қўйганса қўзандир**



**УСТОЗНИ  
ЭСЛАБ**

Одам ёши улғайиб боргани сайин ўзининг оёққа туршига ёрдам берган устозини кўп эсларкан.

жанга алоқачи бўлиб фронтга жўнади. Курс ёйида, Сталинград остоналарида ёвга қарши жанг қилди. Иккинчи Украина фронтда чиқиб турган ўзбекча «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олга» газеталарининг ҳарбий муҳбири сифатида уюштирган материалларида жангчиларнинг жасорати ва мардлигини мадҳ этди. Фронт газеталарида босилиб чиққан шеър ва дostonларда Ватанга муҳаббат, ғалабага бўлган ишонч каби юксак ғоялар ўз ифодасини топган.

Уруш йиллари ҳарбий журналист бўлиб шаклланган Тўғон Эрназаров юк қолчасига фронтда чиқиб турган ўзбекча газета тахламларини жойлаб она юртига эсон-омон қайтиб келди.

Авал республика ёшлар газе-

тасида адабий ходим, бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Газетанинг мазмунли, таъсирчан бўлиши учун астойдил жон куйдирди. Кейинчалик ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида масъул котиб, айни вақтда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) журналистика бўлимида ўқитувчилик қилди. 1965 йилда Ўзбекистон матбуоти тарихи бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. 1967 йилда университетга бутунлай ишга ўтиб, журналистика факультетини ташкил этди. Унинг маданий негизини мустаҳкамлаш, иқтидорли журналистларни ўқитувчиликка жалб этиш, турдош факультет, кафедралар билан алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Олимнинг қатор китоблари шогирди А.Акбаров билан биргаликда яратилган «Туркистон матбуоти тарихи», «Ўзбекистон матбуоти тарихи» дарсликлари фикримиз исботидир. Унинг юзлаб шогирдлари нафақат Ўзбекистонимизда, балки чет элларда ва халқаро ташкилотларда меҳнат қилмоқда. Тўғон Эрназаровнинг хотираси ҳамкасблари, юзлаб шогирдлар ва талабалар қалбида мангу яшайди.

Мирза Анвар КАРИМОВ

**Спорт**

**ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ**

Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон Миллий олимпия кумитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши ҳамкорликларида «Аёл ва спорт» мавзусида тадбир уюштирилди.

Аёлларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг ижтимоий, тарбиявий, ташкилий жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирган қатнашчилар спортда юқори натижаларга эришиб, олимпия ҳаракатининг олдинги сафларида бўлиш аёлларнинг олдида турган муҳим вазифа эканлигини таъкидлашди. Ушбу вазифани амалга ошириш жисмоний тарбия олий ўқув юртлири кафедралари педагоглари зиммасида эканлиги яна бир қарра эслаб ўтилди.

**ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН**

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида оммавий спорт ривожига катта аҳамият қаратилаётгани қувонарли ҳол.

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда кўпгина оилаларда спорт билан мунтазам шуғулланаётганлар сони кўпайиб борапти. Пойтахтимиздаги Оқтепа педагогика коллежида уюштирилган оилавий мусобақа «Отам, онам ва мен» деб номланди. Унда голиблик учун кураш олиб борган жомалар спортнинг арғимчоқда сакраб югуриш, коптоқлар билан югуриш йўналишларида омадларини синая кўришди. Қизиқарли ва қувноқ ўтган ушбу мусобақаларда Ражабовлар, Очиловлар, Ибрагимовлар, Наливайқолар оилалари жисмоний тарбиянинг юртимизда тугган ўрни нечоғли аҳамиятли эканлигини чаққон, эпчил хатти-ҳаракатлари билан исботлашди.

**АВТОМОБИЛЬ ПОЙГАЛАРИ**

Истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари қатори автомобиль пойгаси ҳам жадал суръатда ривожланиб бормоқда.

Буни иқтидорли ёшлар ўртасида тез-тез уюштирилаётган мусобақалар ҳам яққол исботлаб турибди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан яқинда пойтахт шаҳри ва вилояти йўллари бўйлаб автомобиль пойгаси мусобақалари уюштирилди. Унда иштирок этган ёшлар автомобилни бошқаришдаги салоҳиятлари, эпчилу қаққонликларини ҳақамлар хайъати олдига яна намойиш этишди. Кескин ва муросасиз курашларга бой кечган бахслар якунида Хамдам Ризаев, Ўткир Хошимов ва Рустам Саидовлар бошқалардан кўра эпчил ва чаққон эканликларини исботлашди. Ҳақамлар хайъати томонидан голиб деб топилган бу спортчиларга мутасаддилар томонидан таъсис этилган совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

Акбар Йўлдошев

Абу Али ибн Сино ҳам анжир мевасини йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатган. Анжир шарбати билан хантал (горчица)нинг кўпчи ара-лашмаси қулоққа томизилса, унинг шанғиллашини тўтатади. Анжир шираси сут ширасининг қорақурт ва чаёнларнинг захарини кесишга ёрдам бериши «Тиб қонунлари» китобида кўрсатиб ўтилган.

Таниқли табиб Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилийнинг «Маҳзан ул-адвия» («Даволар хазинаси», 1777 йилда ёзилган) китобидаги маълумотларга қараганда, анжир танадаги ҳароратни меъёрлаштиради, чанқокни қолдиради, терла-тиб, аъзоларни юмшатади, семришига мойиллик яратади. У юракнинг ҳалқиритишга барҳам беради, зикнафас (бронхиял астма), кўкрак оғриги, плевранинг дағалла-шишида ёрдам қилади. Анжир бодом билан бирга истеъмо-л қилинса, дармон-бахш таъсир кўрсатади. Анжирни овқатланишдан олдин истеъмо-л қилинса, у ичакка фойдалидир.

Анжирнинг меваси иситма туширувчи ҳамда тер ҳайдовчи хусусиятига эга. Ўсимлик барглари билан олинган шира бир қатор ашаддий замбуруг ва бактерияларга қирон келтиради. Томоқ шамоллагани-

да меванинг дамламаси билан фарғара қилинса, ижобий натижа кўрсатади. Замонавий тиббиёт амалиётида анжир ўсимлигининг барглари билан олинган

Агар экилмоқчи бўлган анжир қалам-часини (шоҳчасини) тахминан 1 соат ча-масида тузли сувга солиб қўйиб, сўнгра ўтказилса, ундан вояга етган даракнинг меваси ўта ширин бўлади.

Ўзбекистон шароитида анжирнинг қадота, қора анжир каби навлари экилади. Анжир анчагина беор ўсимлик бўлиб, унчалик ер танламайди. Хатто -18°C га бардшо бера олади. Анжир айнаи ҳосилга киргани-да 100 килограмдан ортик мева бериши ҳам мумкин.

Анжир экиб, парваришлаган киши унинг ширин шарбатла-ридан баҳра топибгина қолмас-дан, балки шифобахш хислат-ларидан ҳам ёлчилади.

Кези келганда, анжирнинг бунчалик хосиятларга бой экан-лигининг боиси ҳақида ҳам сўз юритиш лозим бўлади.

Анжир меваси таркибида 57-77 фоиз қанд, органик мод-далар, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> белгилли дар-мондорилар, провитами А лар мавжуд. Анжирда оқсил, пектин, минерал тузлар, жум-ладан калций, фосфор, темир унсурлари сақланади.

Хуллас, анжирли хонадон фақат фар-риштали ва сўлимгина бўлибгина қол-масдан, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб юрганларнинг саломатлиги жойида бўлади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

**Ўлкамиз неъматлари**

**ШИФОБАХШ ВА ЛАЗЗАТЛИ**

Одамлар баъзан анжирни жаннат меваси деб улуглай-дилар, айни ёзининг қиёми етганида, кузда анжирлар ўзларининг шифобахш неъматларини инъом этадилар. Анжирнинг татимлиги, лаззати ўзгача, шифобахшлигини таъриф этиш осон бўлмайди. Ўлкамизда кўплаб эти-тириладиган анжир турлари серхосиятлиги билан ажралиб туради. Анжир жуда қадим замонлардан бери халқ таъвати амалиётида кенг қўлланиб келадиган та-биий даволардан ҳисобланади. Жумладан, ўсимлик ме-валаридан жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини, тутқа-нок, асад ва ичак касалликларини даволашда фойда-ланганлар. Анжир меваси ва унинг қокисидан тайёрла-надиган дамлама йўтални тўхтатишга, балғамни осон-лик билан кўчиришга ёрдам беради, анжир шарбати билан асал омуктаси кўз шамоллашига даводир.

«Псоберан» препарати пегса ҳамда соч-нинг уяли тўкилишига даво сифатида тавсия этилади.

Қадимий китобларда баён қилиниши-га қараганда, оқ анжир озуқа сифатида, қора анжир эса аксарият даво сифатида қадрланади.

**Ёшнинг хавфсизлиги ойлиги**

**ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ**

Республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунк-тлари ва халқ ҳўжалиги объектлари ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги чораларини кучай-тириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлири ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг қўлама олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчи-риш воситалари билан таъминлаш ва ёнгинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ин-сонларнинг бевакт ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ёнгин хавфсизлиги ойлигининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган Фармойиш талаблари фақатгина ёнгин хавфсизлиги хиз-мати ходимлари бажарадиган иш бўлиб қолмай, балки кенг омма, ишчи-хизматчилар ва фуқаролари-миз учун ҳам долзарб вазифадир. Ёнгин хавфсизлиги ойлиги даври-да ёнгинга қарши ҳолатлар комис-сияларда кўриб чиқилиб, керакли чора-тадбирлар кўрилса ва уларнинг бажарилиши таъминланса, машақ-қатли меҳнат эвазига келаётган миллий ва маънавий бойлигимиз, иншоот ва биноларимизни ёнгин-лардан сақлашга улш қўшган бўла-миз.

Ўз хонадонимизда ёнгин чиқиши-нинг қандай олдини олиш хусусида эса кўйидаги маслаҳатларини бе-рамиз:

Электр тармоғига юқори қува-ти бор бир неча электр асбобини улаш тармоққа оғирлик қилади, бу эса ёнгин чиқишига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймаслик керак.

Электр дамвол, электр плита ва бошқа электр иситиш асбобларини фақатгина катта кишилар тармоққа улаши мумкин.

Электр улагичлар изоляцияси яхши ҳолда бўлиши керак. Агар хонадонингизда электр улагич сим-лар эскирган, розетка ва патронлар носоз бўлса, тезда электр монте-рни чакриб бу камчиликларни бар-тарф қилинг. Бу билан Сиз ёнгин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Турмушда ишлатиладиган қим-вий воситалардан фойдаланишда

эктиёт бўлинг. Уларнинг кўпчилиги тез ёнучан моддалардир.

Газ асбобларидан фойдаланиш-да дераза дарчасини очиб қўйиш-ни унутманг. Ёқилган газ асбобла-рини қаровсиз қолдирманг. Бу ас-боблардан фойдаланишни билмай-диган шахсларнинг ёнгинга қарши уларга асло яқинлаштирманг.

Газ плитаси устида кир қуритиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

Газ сизиб чиқишини текшириш учун очик алаңгадан фойдаланманг — бу портлашга сабаб бўлиши мум-кин. Бунинг учун совун эритмаси-дан фойдаланинг.

Суюлтирилган газ тўлдирилган қурилмалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.

Газ тўлдирилган баллонлар газ плитасидан камида 0,5 метр ва исити-тиш радиаторидан 1 метр узоқ ма-софада жойлаштирилган бўлиши керак. Баллонларни ўт ёқилдиган пелларнинг эшикларига қаршисига қўйиш қатъий ман этилади. Ёқил-ган телевизорни қаровсиз ёки бо-лалар ихтиёрида қолдирманг.

Ёнгин хавфсизлиги қоидалари-га риоя қилиш орқали Сиз ёнгин-нинг келиб чиқишини бартараф эт-ган, давлат ва шахсий мол-мулк-ингизни, ўзингизнинг ва атрофингиз-даги кишиларнинг ҳаётини асраб қолган бўласиз.

**ЮНСУБОД ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва як-шанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун те-лефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси,

32-уй, 2-қават, 204-хона.

Кўнгил учун му-симқа, мулоҳаза учун ахборот. Пой-тахт ўз радиосини танлайди «Пой-тахт-Информ».



2003 йил 31 октябрдан «Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкент бўйбоғидаги Тошкент Давлат цирки 2003 йил 31 октябрдан

**НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКДАГИ ЕВРО ЦИРК**

Супер шоуси куйидаги томошаларни кўрсатади:

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР**  
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида **ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ** ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ карусели айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, қучуқлар

**ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР**  
аттракцион

**КУЛГИ ҚИРОЛЛАРИ**  
«СЭМ» масҳарабозлар гуруҳи

Директор, бадиий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Маждидов

Томошалар: иш кунлари соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўлашни мумкин. Касса орталаби соат 9.00 дан ишлайди. Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилади. 3557 нусxada босилади. Қого бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмағасида Ўзбекистон билан рўйхатга олинган

Нашрига таъсир берилмаслиги буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.